

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Доцент:

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия №1” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология ХДТ лаборатория иши” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Тери-таносил касалликлари” кафедраси

Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли “Урология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Болалар касаллиги №2 кафедраси”

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология ХДТ лаборатория иши” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Биологик ва тиббий кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Акушер гинекология №1” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, фуқаро муҳофаази” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия №2” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR:
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



СИЗГА ТАЪЗИМ УСТОЗЛАР

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр ҳар биримиз учун азиз бўлган улуғ зот – бу муаллим ва мураббийлардир. Устоз... жўнгина бу сўз замирида шунчалик катта маъно ва мазмун борки, уни таърифлашга баъзан сўз ҳам ожизлик қилади. Зеро ҳар қайси инсон ўқитувчининг қўлида савод чиқаради, мураббий ва устоздан таълим олади, тарбия топади. Бугун бирор касбни эгаллаб, Ватан ва эл қорига яраётган эканмиз, аввало, улардан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.

Ватанимиз мустақиллигидан сўнг, мана бир неча йилдирки 1-октябрь – ана шундай мўътабар касб эгалари бўлган ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Зеро, бу кун барча халқимиз учун – хоҳ у зиёли бўлсин, хоҳ бирор касбнинг устаси, фарзанд тарбиялаётган она-ю, илмга ташна ёшларимиз бўлсин – барча-барчага чинакам шодиёнадир. Меҳридарё устозларни қадрлаш, ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни чоғда истиқлол йилларида мазмун-моҳият касб этган қадриятларимиздандир.

Давоми 3-бетда.



ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли устозлар! Сизларни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан чин дилдан самимий муҳаббат билан этаклаб.

Айтиши жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-иждодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳаммиси юксак қадрлаймиз.


Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнат олса арзийдиган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Қадрли устоз-мураббийлар, Сизларни барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу борака тилаймиз. Илмий ва иждодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

РЕКТОРАТ



**Яхши таълим-тарбиянинг самараси
ҳавас қилгулик бўлади.**



Юртбошимиз хотираси муқаддасдир

Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан. Жаҳон миқёсида катта обрў – эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

2016 йил 20 сентябрь куни Тошкент Тиббиёт Академияси ва Академик лицей ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган “Юртбошимиз хотираси муқаддасдир” номли хотира тадбири ўтказилди. Тадбирда ТТА Даволаш факультетининг 301-302-303-гуруҳ талабалари Абдуллаева Д., Шомирзаева Д. “Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳаёт йўллари”. Маҳмудов З., Маҳмудов Ф. “Юртбошимизнинг сиёсатда тутган ўрни”. Теймурова Н. “Юртбошимиз томонидан биз ёшларга яратилган имкониятлар”. ТТА Даволаш факультетининг 401-гуруҳ талабаси Эркабоев Ш. “Мустақилликнинг буюк саналари”. ТТА қошидаги Академик лицейнинг 2-босқич ўқувчилари Абдурахимова Д., Абдумўминова М., Атажанова Ш. “Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотин-қизларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва аҳамияти борасида қилган раҳнамоликлари” мавзуларида ўзбек, рус, инглиз тилларида маъруза қилдилар. Ёшларимиз Президентимиз яратиб берган шарт-шароитлардан шукроналик ҳисси билан, Президентимиз орзу қилган ватанимиз мустақиллигини ва барқарорлигини авайлаб-асраш уни муҳофаза қилишга ўз ҳиссаларини қўшишларини билдирдилар.

Халқимиз ўзининг қисқа муддат 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда айнан Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг беқиёс хизматлари деб билади.

Ш.С. Юнусова,

ТТА қошидаги академик лицейнинг
ижтимоий фанлар кафедраси мудири

БИРИНЧИ ДАРС “ХОТИРА ДАРСИ”

(Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланди)

Ҳар йили ОТМларда мактаб, лицей, коллежларда биринчи дарс — Мустақиллик дарси билан бошланар эди. Лекин бу йил ўзбек халқининг, Ватанимиз бошига оғир мусибат тушди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти, халқ отаси Ислом Абдуғаниевич Каримов 2016 йилнинг 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан ТТА ўтказилган биринчи машғулот улуғ раҳбаримизнинг Ватанимиз равнақи, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида “Хотира дарси” деб аталди.

Барча гуруҳларда Президентимизнинг буюк хизматлари, изчил сиёсати, мамлакатимиз ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида маъруза қилинди. Хусусан, Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққанлиги, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонганлиги, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирганлиги эслаб ўтилди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли, мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги буюк хизматлари, Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратиш, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш каби ишлари эсга олинди. Халқ ҳўжалигининг қайси соҳасига қарамайлик ундаги юксак ўзгаришларни қўришимиз мумкин, жумладан, илм-фан, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, тартегик, қишлоқ ҳўжалиги, болалар спорт, нефть-газ саноати, ёқилғи энергетика ва бошқа соҳалар. Ислом Каримов ижодкори бўлган Истиқлол ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилди, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Жамиятимиз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вақиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун тизимли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасида улкан ишлар амалга оширилганини эсга олинди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларда абадий сақланиб қолади. Талаба-ёшларимиз томонидан ҳам муҳтарам Президентимизни ёдга олиб яхши сўзлар айтилди.

Хотира дарси ҳар бир гуруҳда Муҳтарам Президентимизнинг юракларни титратиб юборадиган бир самимий сўзлари билан якунланди: “Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетақдор мана шу Ўзбекистон. Ота-болаларингнинг ҳоқи шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид қўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ”.

Л.Абдуқодирова,
доцент

ИБРАТЛИ УМР

“Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак, фақат ғурурланишимизнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби ана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик”
И.КАРИМОВ



Юртимиз мустақилликни қўлга киритганига мана 25 йил бўлди. Чорак аср мобайнида халқимиз талайгина муваффақиятларни қўлга киритди, Республикамизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллигимиз туфайли бугун бутун дунё ўзбек халқи кудратини, унинг нималарга қодирлигини англади. Мустақиллигимиз туфайли биз ҳақиқий тарихимизни билиб олдик ва буюк алломаларни ёд этдик. Ҳар бир улуғ зот ортида аввалом бор янада улуғ инсон Устоз туради. Устозни улуғлаб қўплаб мутафаккирлар бир қанча маъноли фикрлар айтганлар. Уларда ўзларининг чуқур самамияти, жўшқин эҳтироси, энг яхши орзулари ва беғараз ниятлари ўз аксини топган.

Тақдир мени том маънодаги саховатли инсон, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Турғунпўлат Обидович Даминов билан учратди. Мен уларни ўз Устозим деб биламан, чунки улар менга нафақат тиббиётдан, балки инсонийлик, ҳамкасблар ва беморлар билан муомала қилиш, ҳар қандай вазиятда ўзликни йўқотмаслик, инсонлар қалбига йўл топиш сабоқларини бердилар. Устоз туфайли шогирдлар ҳаётда ўз ўрниларини топадилар ва ўз мақсадларига эришадилар. Буни мен ўз мисолимда аниқ исботини кўрдим.

Т.Даминов ажойиб фазилатлар соҳиби, оила даврасида меҳрибон ота, севимли бобо, дўстлари ва ҳамкасблари орасида ишончли ва самимий дўст, шогирдлар ва талабалар учун билимлар хазинаси ва ибратли умр эгасидир.

Т.Даминов таниқли фан арбоби, шифокор. У Ўзбекистон тиббиёти ва соғлиқни сақлаш тизими ривожланишига катта ҳисса қўшган. Етуқ олим ва амалиётчи сифатида педиатрия ва юқумли касалликлар бўйича илмий-амалий йўналишни ташкил қилган.

Турғунпўлат Обидович Даминов 1941 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида дунёга келди. 1958 йилда ўрта мактабни олтин медалга тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Даминов Т. 1964 йилда alma mater ни имтиёзли диплома битиргандан бери бутун умрини ушбу даргоҳ билан чамбар-час боғлаб келмоқда.

Т.Даминов раҳбарлиги остида болалар юқумли касалликларини ўрганиш бўйича 4 та катта йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Биринчи йўналиш — жигарнинг юқумли касалликларини ўрганиш. Ўзбекистон шароитида вирусли гепатитларнинг тарқалганлик даражаси ва фенотиплари кўрсатиб берилди. Олиб борилган илмий ишлар натижасида чўзилувчан ва сурункали вирусли А ва В гепатитларининг ривожланиш механизмлари очиб берилди.

Иккинчи йўналиш — ҳаво-томчи йўли билан юқувчи касалликлар, жумладан қизамиқ, тепки, қўқ йўтал, гриппнинг кечиш хусусиятларини ўрганиш. Учинчи йўналиш — ўткир ичак инфекцияларининг кечиш хусусиятлари, диагностикаси ва даволаш чораларини такомиллаштириш. Даминов Т. раҳбарлигида ўткир ичак инфекцияларидаги парҳез такомиллаштирилди.

Тўртинчи йўналиш — инфектологиянинг янги йўналишларидан бири бўлган болалардаги ОИВ-инфекциясининг кечиш хусусиятларини ўрганиш.

Т.Даминов катта илмий мактабни яратганлар. Уларнинг раҳбарликларида тиббиётнинг турли мутахассисликлари бўйича 40 дан ортиқ фан номзодлари, 18 та фан доктори тайёрланган. Устознинг ғоялари ва илмий йўналишлари ҳозирги кунда унинг қўп соғли шогирдлари ва ёш олимлар томонидан давом эттирилмоқда ва кейинги ривожини топмоқда.

Т.Даминовнинг долзарб ва чуқур илмий изланишлари доимий равишда МДҲ ва турли давлатларнинг етакчи олимларини ўзига жалб этган. У қўп маротаба чет давлатларга маъруза ўқишга таклиф этилди, конгресс ва турли анжуманларда маърузалар қилиб, фаол иштирок этди.

Т.Даминов 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 13 монография ва 30 дан ортиқ методик қўлланмалар муаллифи. Даминов Т. раҳбарлиги остида “Юқумли касалликлар” (2 томли), “Умумий амалиёт шифокори амалиётида юқумли касалликлар”, “ОИВ инфекцияси” дарсликлари яратилди.

Даминов Т. инсон саломатлигини сақлаш, беморлар дардига шифо топиш, қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг ҳам маънан ҳам жисмонан соғлом фуқароларининг умрига умр, ёшига ёш қўшиш каби улуғ ишларни амалга оширишни азалдан мақсад қилиб олган.

Ҳеч бир хайрли иш ҳукуматимиз эътиборисиз қолмайди. Академик Даминов Т. “Дўстлик” ордени ва Альберт Швейцар номидаги Халқаро олтин медали билан, Соғлиқни Сақлаш тизимида қилган меҳнатлари тақдирланиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач” унвони билан тақдирланган.

Яқинда ҳаммамиз яна бир қувончли хабар гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2016 йил 24 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида асосан Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, қўп йиллик самарали меҳнати билан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Турғунпўлат Обидович Даминов “Эл-юрт хурмати” фахрий ордени билан тақдирланди.

Т.Даминов бугунги кунда нафақат талаба-ёшларга, балки ёш педагогларга ва шифокорларга ҳам ўз билим ва қўникмаларини ўргатмоқдалар. Нафақат илм-фан соҳасида, балки ҳаёт сабоқлари бўйича ҳам зарур бўлган маслаҳатларни бериб келмоқдалар.



Устознинг ҳаётини ва ижодий йўли, унинг машҳур олим ва ташкилотчилиги билан бир қаторда ҳақиқий инсонлиги, бугунги кунда тиббиёт фанига қадам қўяётган ёш олимлар учун ўрнак бўлиб келмоқда.

Яхши ният билан бошланган ишларнинг албатта хайрли тугашини ва бу барчага ибрат бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Устоз Сизни яна бир бор юксак мукофот “Эл юрт хурмат” ордени билан ва кириб келаётган улуғ байрам “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” билан чин юракдан табриқлаймиз.

*Шири сўздан, нурли юздан ёруғ йўллар,
Чин меҳрдан, муруватдан обод чўллар.
Шу зотларни, шогирдларин қўққа йўллар,
Лойиқ улар қанча ҳурмат-эъозларга,
Бошлар эгиб, таъзим айланг Устозларга!*

Б.Халматова,
ТТА “Болалар касалликлари”
кафедраси мудири, профессор



“БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ”

Ушбу йилнинг 4 октябрь сана-сида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясининг 11 йиллигига бағишлаб “Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!” шиори остида ҳамда “Биз Ибн Сино издошларимиз” мавзусида ўтказиладиган “Талабаликка бағишлов” номли Тошкент Тиббиёт академияси талабалари қасамёди Республикаимизнинг энг ҳашаматли масканларидан бири бўлмиш “Туркистон” саройида 2016-2017 ўқув йилида “Академия талабаси” деган шарафли номга эга бўлган биринчи курс талабаларининг тантанали қасамёдини ўтказилиши режалаштирилган.

Бугун бу ёшлар қалбида ҳаяжон, нигоҳида эса қувонч кўрасиз. Ахир ҳаяжонланмай, қувонмай бўладими? 6000 мингдан зиёд абитуриент ичидан танланиш, ҳар 10-15 та абитуриентнинг бири бўлиш осонми. Ушбу 1-курс талабалари орасида ўз иқтидори ва билими би-

лан ютуқларга эришган талабалар ҳам бор, танишинг улар: Масейев Мухаммаджон Камолович – кимё фанидан ўтказилган олимпиадада 1-ўрин соҳиби, Базарбаев Дилшод Давронбек ўғли ҳамда Хидиров Давлат Бахтиёр ўғли – кимё фанидан ўтказилган олимпиадининг 3-ўрин соҳиблари. Ҳозирги кунда бу иқтидорли ёшлар даволаш факультетининг талабаларидир. Биз бу ёшлар билан фахрланамиз.

Шунинг учун бўлса керак, академия раҳбарияти ушбу қувончли лаҳзалар талабалар ҳаётида унутилмас бир тарихий санага айланишини назарда тутиб, бу тантанали кунни “Туркистон” саройида ўтказишга жазм этган. Маърифий-маънавий ишлар бўйича проректор, профессор Т.А.Бобамуротов аллақачаноқ тадбирнинг юқори савияда ўтказилиши учун керакли чораларни кўриб чиққан. Тантана муносабати билан қатор вазирлик ва нуфузли ташкилотлардан меҳмонлар таклиф этилди. “Туркистон” саройи фаеси Тошкент Тиббиёт академияси ҳаётини ёри-

тувчи кўргазмалар стендлар билан безатилиши назарда тутилди. Сценарийга асосан ташриф буюрган меҳмонлар кутлови, 1 курс талабалари қасамёди ҳамда катта концерт дастури намоиш этилиши назарда тутилган.

Шу куни талабалик қасамёди бўлади... Ҳар бир биринчи курс талабаси баланд овозда Мустақил Ватан тақдири билан ўз тақдирларини боғлашга қасамёд этади, бутун фаолиятларини Она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этишга қасамёд этади. Инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган ажодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар ёққан чироқларни янада мунаввар этишга қасамёд этади.

Ўзлари танлаган касбнинг фидойиси бўлишга, ўқиб-ўрганиб халқимиз корига яроқли бўлишга, ота-она олдидаги фарзандлик бурчларини унутмасликка, миллати, ирқи, динидан қатъи назар барча Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳурмат этишга қасамёд қиладилар.

Барно Абдуқодирова,
ўқитувчи

Обиддин Маҳмудовнинг «Фарзанднома» китобидан сатрлар

ОТА – ОНА, УСТОЗ – ОДАМЗОД ФАОЛИЯТИНИНГ ТИРГАКЛАРИ

Одабийлик мактаби

Ота сабоғи – бир умрга татиғулик намуна мактаби.

У фарзанд туғилиб, вояга етганида зиммасига оладиган асосий бурч – инсонийлик вазифаси, мажбурияти, ҳуқуқи, ваколати, шахсий намуналари жамланмаси.

Ибрат дарси

Савол: Устоз, ким – ул зот?

Жавоб: Умр йўли – барҳаёт ибрат ва беминнат амал, борлиги ва борлиги – қувонч ва ишонч, ҳулқ – атвори – ҳурмат ва эҳтиром сабабчиси бўлган серҳиммат ҳамда фидойи инсон. Шунингдек, устоз – меҳр ёғдуси соҳиби, илм-маърифат манзилига элтувчи собит йўлчибон. Устоз туфайли диллар равшан, ҳаёт йўллари нурафшон, қалблар хотиржам.

Устоз ибрати, бу:

- Ота-она берган тарбияни сайқаллаб юксалтирадиган манба;
- Боши – меҳр ва эътиқод, ўртаси – қаноатли сабр ва умидга асосланган азму шижоат, охири – чексиз ҳурмат ва

хайрат мактаби;

- Шогирд ақл-тафаккурининг юксалишига замин;
 - Кишилар билан муомала қилиш сир-синоати, масъулияти;
 - Ҳаётда баркамол инсон бўлиб етишиш учун қўйиладиган асос;
 - Шогирднинг элу юртга, жамиятга манфаат келтирувчи фойдали илм, касб-ҳунар, фазилатлар жамланмаси...
- Устоз шогирди руҳий ва маънавий оламини ёмон иллатлардан поклайди, онг-тафаккурини илм беағи билан зийнатлайди, қалбини ҳикматлар хазинаси билан бойитади.

Қалб озукаси (Бир қадрдонининг ҳикояси)

Қалбимни маҳзунлик эгаллаган чоғларда устозимнинг суҳбатини қўмсаб қоламану дарҳол ҳузурга ошиқаман. Ўша куни фақат у кишини тинглайман, эшитаман, ўқаман. Шундан сўнг дилим равшан тортиб, ҳаётга муҳаббатим ортади. Қалб хазинаси – ҳикматлардан бир чимдим менга тухфа этаётган олижаноб устозим ҳамиша омон бўлсинлар.

УСТОЗ – ИККИ ДУНЁСИ ОБОД ИНСОНДИР

Мустақиллигимиз бизга ҳадя этган улўф байрамлардан бири – Ўқитувчилар ва устозлар кунини кутиб олишимизга саноқли кунлар қолди.

Ҳадиси шарифларда “Муаллимлар ва табиблар – икки дунёси обод инсонлардир”. “Умматимнинг энг яхшиси – элга нафи кўпроқ текканидир”, “Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан афзалдир” қабилдаги ўғитларни кўп учратамиз. Машойиҳлар эса устозларни ота-оналарга тенглаб “Ота-онанг сени осмонлардан ерга олиб тушди, яъни йўқдан бор қилди, устозинг эса сени яна осмонларга олиб чиқди, яъни сени парвоз қилдирди” деб уларнинг меҳнатлари ва заҳматлари мартабасини белгиланган.

1986 йили тақдир мени мусофирликда орттирган энг қадрли ва том маънодаги саховатли инсон, тиббиёт фанлари доктори, профессор, «Шухрат» медали совриндори Жуманазар ака Бекназаров билан учраштирди. Домла менга фақат хирургиядан эмас, балки инсонийликдан, ижодкорликдан, тиббий деонтология ва касб этикасида, нутқ санъати ва муомала маданиятидан, халқ табобати маънавиятидан сабоқ бердилар, бунинг учун улардан беҳад миннатдорман. Устоз бир неча қарра фидокорлик қилиб мени адолатсизликлардан, ноҳилисликлардан ҳимоя қилганлар. Мен шахс, инсон, мутахассис ва ижодкор сифатида шаклланишимга ўз беғараз ҳиссасини қўшган бағрикенг ва покиза устозлар қаторида “Турон” фанлар академиясининг, “Экология ва инсон саломатлиги” академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳамроев Абдурашид Жўрақуловичнинг номларини алоҳида қайд этиб ўтмасам ноҳилислик бўлади.

Кейинчалик Тошкент Тиббиёт Академиясида ишлаб юрган кезларим ҳам ана шундай меҳрибон ва покиза инсонларга дуч келдим. Шулардан бири терапия кафедрасининг мудир, профессор, республика Соғлиқни Сақлаш аълочили, республика халқ табобати академияси академиги Эркин Йўлдошевич Қосимов

эдилар (Аллоҳ у зотни раҳматиға олган бўлсин). Устоз сийрат ва сурат жиҳатдан баайни фариштадек инсон эдилар. Устоз чоп этган ўнлаб китоблари, дарсликлари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Домламиз муборак қаламларига мансуб “Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати” китоби минглаб шифокорларга муомала маданиятидан сабоқ бериб келмоқда. Шунингдек, бир неча йиллар профессор Бахтиёр Бобо-жонов раҳбарлик қилган кафедрада ишладим ва устознинг ширин каломларидан, ташкилотчилиги ва раҳбарлик лаёқатидан, адолат мезонларига қай даражада амал қилиш санъатидан баҳраманд бўлдим. Бугунги кунгача устозни кафедра жамоаси яхши гаплар билан эслаб, узоқ умр талаб юрамиз.

Аллоҳ менга соҳибқаромат ва парҳезкор инсон Тўхтабой ота Болтабоевдек руҳий устоз ва маънавий пир берди, у зотнинг дуолари мени гоёларимга илҳом ва имкон бериб келмоқда. Шиддат ва шижоат билан кечаётган умрим ана шундай буюк, инсонийлик ва олимликни, шифокорлик ва ижодкорликни ҳайратингиз тарзда уйғунлаштира олган, мен учун қайғуриб, мен учун куйган, ҳар бир қадамимдан суюнган устозлар орасида кечди. У кишининг самимийлиги, инсонпарварлиги, адолатпарварлиги, муомала маданиятининг юксаклиги саховатпешалиги бутун бир китобга жо бўладиган даражададир.

Улўф кунларнинг остонасида туриб, менинг қанотларимга куч берган, ҳаётда ўз ўрнини топишимда кўмакдош бўлган покиза ва самимий устозларимнинг барчасини ўқитувчилар байрами билан қутлаб, узоқ ва бахтли умр йўллари насиб этсин дейман.

Алижон Зоҳидий,
Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси ва Халқ Табобати Академияси академиги, тиббиёт фанлари номзоди

СИЗГА ТАЪЗИМ УСТОЗЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода қадр ва эъзоз топди. Бу ҳақда гап борар экан, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида бунёд этилган мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда батамом қайта тикланган қатор ОТМларини, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишларни айтиб ўтиш ўринли бўлади. Энг муҳими бундай замонавий билим масканларида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича ўзига хос

янги тизим жорий этилди. Бу бежиз эмас. Чунки уларнинг меҳнати ана шундай юксак эътибор ва эъзозга муносибдир. Ёш авлодни теран билимли ва етук мутахассис бўлиб етишишларида устозларнинг беминнат хизматлари улкан.




Ўзбекистоннинг барча гўшаларида ушбу байрам шуқуҳи кезиб юрган айни чоғда бизнинг Тиббиёт Академиясида ҳам ушбу сана алоҳида қадрланиб, кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Байрамдан олдиноқ маърифат-маънавият бўлими, деканат ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор тадбирлар, жумладан, талабалар турар жойларида, катта аудиторияларда фахрий ўқитувчилар, устозлар, нафақадаги мураббийлар билан учрашувлар ташкил этилди. Суҳбат давомида таклиф этилган меҳмонлар ўзларининг сабоқ бўладиган ҳаёт йўллари, сеvimли касблари ҳақида сўзладилар. Устозларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган талабаларимиз қалбида ўзлари танлаган касбларига бўлган муҳаббатлари янада

ошиди, келгусида устозлари каби яхши мутахассис бўлиш истаги мақсадга айланди десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда устозларга бўлган эҳтиром ўзгачадир. Шу маънода давлатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг ўқитувчи ва мураббийларга қарата айтган сўзларида жумладан шундай сатрлар бор эди: “Фарзандларимизни юксак маънавиятли ва эзгу фазилатли қилиб тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчигим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизни куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз деб ишонаман”.

Биз устоз ва мураббийларга билдирилган бундай ишонч албатта бизнинг фаолиятимизга қанот бағишлайди, масъулиятли аммо шарафли касбимизни янада сидқидилдан адо этишга даъват этади.

Л. Абдуқадирова ТТА ҳққ раиси



Амалий машғулотлар ва маърузалар таълим сифатини ошириш гарови!

О.Р. Тешаев, ўқув ишлари бўйича проректор

Олий таълим тизимида таълим сифатини ошириш доим актуал муаммолардан бири бўлиб келган. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун таълим сифатининг ахамияти катта. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг барча таркибий қисмлари:

- Олий таълим меъёрий – ҳуқуқий таъминотини яхшилаш,
- ўқув-услубий таъминотини яхшилаш,
- илмий педагогик кадрлар тайёрлаш,
- илмий салоҳиятни кўтариш,
- моддий-техник базани мустаҳкамлаш,
- кириш имтиҳонларини одилон ва ошкора ўтказиш,

• иқтидорли талабалар билан ишлаш ва бошқаларнинг якуний натижаси таълим сифатини яхшилашга қаратилган.

Бироқ таълим сифатини яхшилашга тўғридан-тўғри таъсир этувчи фактор – бу амалий машғулотлар ва маърузалар сифати.

Юқоридаги барча босқичлар юқори даражада тайёрланган билан педагоглар амалий машғулот ва маърузаларни юқори савияда ўтказишмаса, талабалар керакли билим ва кўникмаларга эга бўлишмайди ва якуний натижа, яъни юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаб бўлмайди.

Бунинг учун педагогдан нималар талаб этилади:

Олий таълим муассасасининг педагоги бугунги кунда қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак:

- Ўз фани бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлган мутахассис, фаннинг охириги ютуқларидан хабардор, энг янги маълумотларни ўзлаштирган, нуфузли университетлар ўқув режаси, фан дастури ва ўқитиш технологиясини мукамал эгаллаган педагог;

• Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий талабларини чуқур ўзлаштирган;

• Янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдалана оладиган;

- Инглиз тилида эркин сўзлашадиган ва интернет сайтлари, чет эл адабиётларидан ўз фани учун янги маълумотларни танлаб олиб, амалий машғулот ва маърузада талабаларга тушунарли, содда тилда тушунтура оладиган;

• Маданиятли ва маърифатли шахс. Олий таълим муассасаси педагогига доимий бўлиши шарт бўлган меъёрий ҳужжатлар:

- Ўқитувчининг шахсий иш режаси;
- Кафедранинг дарс жадвали;
- Фаннинг календар-тематик режаси;
- Соҳанинг Давлат таълим стандарти;
- Таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режа;
- Фаннинг намунавий ва ишчи дастури;
- Фан бўйича электрон таълим техноло-

гияси ва ўқув-услубий мажмуаси;

- Ўқитувчи журнали.

Амалий машғулотлар Силлабусда белгиланган дарс хронологияси асосида, Академияда тасдиқланган регламент бўйича олиб борилиши шарт.

Амалий машғулотлар янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаган ҳолда семинар, лаборатория машғулоти, очиқ дарс, клиник аудит ва билимни назорат қилиш таркибий қисмларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳар бир амалий машғулот тўғрисидаги маълумотлар фаннинг электрон таълим мажмуаси тайёрланади унинг таркибига қуйидагилар қиради:

- Мавзунинг тақдироти (презентацияси);
- Дарснинг мақсад ва вазифалари;
- Мавзунинг қисқача мазмуни;
- Педагогик технологияларнинг сценарийлари;

- Амалий кўникмалар;

- Электрон дастури;

- Ситуацион масалалар ва тестлар;

- Кўргазмалар материаллар, видео фильмлар;

- Адабиётлар

Амалий машғулотларни талаб даражасида ўтказиш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- Амалий машғулотларда педагог ва барча талабаларнинг шахсий компютери бўлиши талаб этилади;

- Электрон таълим мажмуаси барча компютерларга киритилмади;

- Ички тармоқ ҳосил қилинади ва педагог ўз компютери орқали дарсни бошқаради;

- Педагог мавзунинг асосий мазмунини презентациясида ёритиб беради;

- Янги педагогик технологиялар орқали мавзу тўлдирилади;

- Дарсдаги иштироки, амалий кўникмалар, ситуацион масалалар ва тестлар орқали талабалар билими баҳоланади.

Амалий машғулотлар сифатини ошириш мақсадида очиқ дарслар ташкил этилади. 2016-2017 ўқув йилида очиқ дарслар ташкил этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Октябрь ойи давомида янги ишга қабул қилинган ассистентлар очиқ дарслари ўтказилади;

- Ноябрь-декабрь ойларида XII – ўқув-услубий анжуман маърузачилари очиқ дарс ўтказади;

- Январь ойидан бошлаб “Энг яхши педагог” танловига даъвогарларнинг очиқ дарслари ўтказилади;

- Барча очиқ дарсларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда инглиз тилига эътибор берилади.

Маърузалар сифати таълим сифатига

таъсири жуда катта, шунинг учун маъруза сифатига эътибор бериш керак. Маърузалар албатта маъруза мақсади ва вазифасига кўра ҳар хил бўлиши мумкин:

- Кириш маърузаси;
- Муаммоли маъруза;
- Интеграл маъруза;
- Информацион маъруза;
- Обзор маъруза;
- Бинар маъруза;
- Конференция типидagi маъруза;
- Консультатив маъруза.

Академияда охириги 3 ўқув йили давомида интеграл маърузалар инглиз тилида ташкил этилмоқда. Мазкур ўқув йили учун ҳам интеграл маърузалар режаси тасдиқланган ва ўқув йили давомида режа асосида маърузалар ўқилади. Режада айрим маърузаларнинг чет элдан таклиф этилган лекторлар маълумотлари келтирилмаган. Бир ҳафта давомида режага киритилган маърузаларнинг чел эллик иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ киритиш ва тайёргарлик кўрилиши зарур (Илова 1).

Бундан ташқари очиқ маърузалар режаси ҳам тасдиқланган. Очиқ маърузалар 50%дан 100%гача инглиз тилида ўқиши мумкин. Очиқ маърузалар бир ой олдин МУХ йиғилишида муҳокама қилинади, эълон Академия сайтига берилади ва экспертлар аниқланади. Айнан шу режа асосида ўтказилган очиқ маърузалар лавозим ва унвон олишда инобатга олинади.

Академияда янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнига кенг тadbик этиш мақсадида очиқ дарслар ташкил этилади. Очиқ дарсларни 2016 йил магистратурадан кейин ассистентликга қабул қилинган ёш педагоглар тажрибали профессор, доцентлар ва кафедра мудирлари билан бирга ташкил этишлари шарт. Бундан ташқари “Энг яхши педагог” танловига иштирок этадиган тажрибали профессор-ўқитувчилар, илмий унвонга даъвогарлик қилувчи педагоглар ва кейинги ўқув йилида катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларига даъвогарлик қилувчи педагоглар ташкил этишлари шарт. Очиқ дарсларга таклифлар 25 сентябргача қабул қилинади ва октябрь ойидан бошлаб махсус комиссия режа асосида қатнашиб уларни баҳолайди.

Янги ўқув йилида сентябрь ойида ўқилган маъруза ва амалий машғулотларда айрим камчиликлар аниқланган. Камчиликлар бўйича лекторларга тушунтириш берилди ва уларнинг маърузалари қайта назорат қилинади.

Юқорида келтирилган режаларнинг амалга оширилиши амалий машғулотлар ва маърузалар сифатини оширишга хизмат қилади.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Дунёдаги энг машаққатли айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган, касб бу устоз ва мураббийликдир. 1 октябрь мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилинган. Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод, маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини аямасдан маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларга ҳурмат-эҳтиромнинг яққол намунасидир. Маълумки, таълим-тарбия мамлакат ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётнинг муҳим тармоғидир. Таълим асослари Ўзбекистонда, унинг Конституцияси ва “Таълим тўғрисида”ги қонун билан қафолатланган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вазифаси жамият олдида кўндаланг бўлди. Ёшларга ҳозирги замон энг илғор билимларини бериш, уларни давр талабига мос етук мутахассис қилиб тарбиялашга олиб борилган изчил ислохотлар белгилаш, Ислон Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тарққиётни таъминлай оладиган кадрларни тайёрлаш мақсади қўйилди. Кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади.

Миллий моделимиз бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради. Миллий моделимизнинг яна бир мақсади фақат билим ва малака эмас, айни пайтда юксак маънавият ва гўзал ахлоқий, умуминсоний қадриятларга ва ватанпарварлик туйғуларига содиқ, комил ёшларни тарбиялаш. Бугунги кунда мана шундай мураккаб вазифа устоз ва мураббийлар зиммасига юклатилган. Ёш авлодни вояга етказётган таълим ва тарбия бераётган фидоий ўқитувчи ва мураббийларимизни машаққатли меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Фикримизни далили сифатида Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқитувчиларидан, кимё кафедраси мудир Воҳидова Ф.М. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони билан, биология фани ўқитувчилари Бобохонова Д.Ш. Бобоева Р.Н, рус тили фани ўқитувчиси Циндидис И.А, ўрта махсус таълим аълочиси, кимё фан ўқитувчиси Акмалова С.С, биология фани ўқитувчиси Наджимова С.С халқ таълими аълочиси, тиллар ва ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчилари Эргашева М.Ш, Юнусова Ш.С, Абдувахобова З.С ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланганлар. Зеро, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Ўзини эл ишига бағишлаган инсон тарбиясига жон тиккан олий жаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз”. Муҳтарам ва қадрли устозлар мана шу муборақ кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни қутлаймиз. Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч тарк этмасин.

Ш. Юнусова,

ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудир



USTOZIM

*Qo`lga qalam ushlatib, dunyolarni tanitgan,
Boshni silab qayg`uda, shirin so`zla yupatgan.
Ming farzandga onasiz, ustoz siz yagonasiz,
Ezgulikka eltuvchi beozor farishtasiz.
Dilga bersak biz ozor, ranjimagan, koymagan,
Mehr demish bulog`in murg`ak qalbgga joylagan.
Ilm-u ma`rifat nurin yoritdingiz ko`p yiroq.
Ustozim bergan saboq yo`llarimda sham chiroq.
Chaman ichra bo`y cho`zgan, nihol-larning bog`boni,
Cho`qqilarga qo`l cho`zgan yosh avlodning sarboni.
Bu ulkan karvon yo`lda yelkadoshim oftobim,
Ilm-u qo`rg`on uyida sizdir mohita-bonim .
So`nmas mehr chashmasi mujassam dilingizda,
Vatanim ertasi ustozlar qo`lingizda.
Shogird bo`lib noqobil, yo`qlolmadim bir bora,
Siz saodat elchisi ta`zimdaman ming bora.*

**М.Абдumo`minova,
ТТА qoshidagi akademik litsey
2- bosqich o`quvchisi**

